

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 41 (66270)

2000 йил 12 октябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

СИЗДАЙ ЯШАГИМ КЕЛАР

Амир Темури бобомиз васият қилиб, менинг хоким маънавий устозим Саид Барака қабри пойида қолсин, деб айтган эканлар. Бундан кўриниб турибдики, ҳар қандай жамиятда, ҳатто болаларимиз ҳам устоз номини улуғлаб келганлар.

Мактабимизда ўқитувчилар жуда кўп. Шулардан бири она тили ва адабиёти муаллими Азим Эргашевни мактабимизда ҳамма ҳурмат қилади. У киши ниҳоятда камтарин, меҳнатсевар ва мактабимизнинг жонкуяр инсонларидан бири. Устозимиз бизга шеърларни ифодали ўқишни, мақолалар ёзишни ўргатадилар. Устозимизнинг биздан умидлари катта. Биз ҳам уларни қадрлаймиз ва ишончларини оқлашга ҳаракат қиламиз.

УСТОЗИМГА


Сизга келар ҳавасим,
Юракда зўр ихлосим.
Сизга ўхшагим келар,
Сиздай яшагим келар.

Мадина АЗИМОВА,
Нодири ШАРИПОВА,
Бухоро вилояти, Ёшдувон
туманидаги 17-умумтаълим
мактаби ўқувчилари.

МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ

Бизнинг Ўзбекистонимиз Ўрта Осиёдаги энг чиройли ва кўркем диёр. Ўзининг тарихий обидалари билан бутун жаҳонга ном таратган. Самарқанддаги Биби-хоним мадрасаси, Регистон майдони, Бухородаги Со-монийлар мақбарасининг таърифи дунё олимларини ҳам лол қолдиради. Чунки мақбара қуёшнинг чиқи-шидан то ботғунига қадар турли хилда товланади-да.

Юртимиздаги ёшлар эса чуқур билим олишга, ҳорижий тилларни ўрганишга, компьютерларда ишлашга бел боғлаганлар. Жумладан, мен ҳам энг аввало ўзбек тилини ўргандим. Ҳозир бемалол гаплаша оламан.



ОЛТИН КУЗ

Дарахтдан япроқ тушди. Саргайган япроқлар. Ердаги ҳазонлар. Оловранг, сариқ, қизғиш рангли япроқлар нигоҳингни олади. Қадамлар дастидан ерда ётган қуруқ шоҳлар шитирлайди. Биринчи ёмғир ёғди.



Соябон билан куз ёмғирида юриш жуда мароқли. Одамлар ис-сиқроқ кийина бошлашди. Ёмғирдан сўнг арчалардан ёқимли ҳид таралади. Ёмғир ёғаётганда аллақандай сукунат чулғаб олади. Инсонни ҳаёл дунёсига олиб кетади. Мен ҳам ҳаёл суриб диёримдаги куз фаслининг таровати ҳақида ўзбек тилида шеър ёзишни ўйлаб кетяпман.

Анастасия КРАСНОЩЕКОВА,
Тошкентдаги 72-рус мактаби-
нинг 8 - "Б" синф ўқувчиси.

ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

Яқинда мактабимизда «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар ҳамда Юнусобод тумани жиноят қидирув бўлими бош терговчиси Абдуҳамид Раҳматуллаев ҳам иштирок этдилар. Улар ёш болалар ўрта-сида жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида гапирдилар.

Ўз навбатида ўқувчиларнинг барча қизиқтирган савол-ларига жавоб бердилар. Суҳбат давомида шуни яхши бил-дикки, ҳаммаша хушёр бўли-шимиз керак. Биров ёмон га-пирса, унга жавобан яхши гаплар ила эзгуликка чорла-шимиз лозим.

Ўтказилган бу тадбир биз ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Азиза ТЎХТАМУРОВА,
Тошкентдаги 327- мактаб-
нинг 9-«Г» синф ўқувчиси.

Арслон Рўзиметовни туманимиз мактаб ўқувчилари яхши билишади. Чунки бу олийҳиммат халқ ноиб мактаб ўқувчилари-нинг 200 на-фарига


ДЕПУТАТНИНГ СОВҒАСИ

Хоразмдан кўш мактуб

совға-са-

ломлар улашди. Депутат совғалари-ни туман ҳокими Р.Маматрасулов, халқ таълими ходимлари ота-оналар билан биргаликда топширдилар. Бу совғалар албатта аълочи ўқувчиларгадир. Депутатимиз совғасини олишга мушарраф бўлганлар орасида бизнинг мактабдан уч нафар ўқувчи бор. Булар Собир Ортиқбоев, Раъно Матқурбонова, Гулжалои Болтабоеваларнинг фарзандларидир.

Мен «Тонг юлдузи» орқали ота-оналар ва ўқувчилар номидан Ўзбекистон миллий авиакомпания бошлиғи - депутатимиз Арслон Рўзиметовга катта миннатдорчилик билдираман.



Саҳоватли инсонларимиз ҳиммати билан кўприклар, сув иншоотлари, масжид ва мадрасаларни қуриш бизга тарихдан ибрат.

Мактабимиз Хоразм вилояти, Гурлан туманидаги Амударё ширкат хўжалигида жойлашган. Ширкат хўжалиги Эриммат Содиқов мактабимиз-ни таъмирлашга, иситиш тизимини яхши-лашга ёрдам берди. 2 сен-тябрь

билимлар ку-нида жамоа раисимиз мактабимизда бўлиб, аъло-чи ва кам таъминланган ўқувчиларимизга моддий ёрдам учун нақд пул берди. Янги ўқув йили арафасида моддий ёрдамга муҳтож икки ўқув-чига мактаб формасини олиб берди.

Шунингдек, мактабимизнинг икки ўқувчиси-нинг оилавий аҳволини ҳисобга олиб, жамоа хўжалиги томонидан ҳар ойда 1000 сўмдан сти-пендия берилишини айтди. Бу эса билимлар ку-нида ўқувчиларимизга яна бир байрам қувончи бўлди. Бундан ташқари жамоа хўжалик раиси Эриммат Содиқов бу каби саҳоватини 26-сон Бе-руний, 27-сонли Рашидов номли мактабга ҳам кўрсатмоқда.

Бола кулса, олам кулади. Болалар қувончи, халқ қувончи, дейди халқимиз. Туманимиздаги мактабларни таъмирлаш, ўқув моддий базасини мустаҳкамлашга кўмак бераётган жамоа ва шир-кат хўжаликлари кенгаймоқда. Янгиобод, Гулис-тон, Деҳқонобод номли жамоа хўжалиги раҳбар-лари шу хўжалик ҳудудида жойлашган мактаб ишларига сидқидилдан ёрдам бераптилар.

Ш. ЭРГАШЕВ,
Хоразм вилояти,
Гурлан туманидаги
28-ўрта мактабнинг директори.

АЗИЗА АЯНИНГ ЖАСОРАТИ

«Бу воқеа Австрияда бўлганди. Бир куни түпи-миз ёнида навбатчилик қилиб турсам, темирйўл семафори ёнида чамаси 8 яшарлик бир болага кўзим тушди. Атрофда отишмалар бўлаётганига қарамасдан у болакай ўз-ўзича алланималар деб сўзлар, ҳаммаёқни синчиклаб кўздан кечирар-ди. Бошида унинг ҳатти-ҳаракатига ҳайрон бўлиб қараб турдим-да, кейин: «қоч, ўқ тегиб кета-ди», дедим. Бироқ болакай гапимга кулоқ сол-масди. Турган жойида тураверарди. Кейин огоҳ-лантириш учун осмонга қарата икки марта ўқ уздим. Шунда ҳам чўчимади. Кейин ўзим чопиб бордим-да, болакайни кўтариб старшина Анд-реевга топширдим. Бироз фурсатдан сўнг стар-шина мени ертўлага чорлади. Билсам, душман айғоқчиси бўлган боланинг қўлтиғида радиопе-редатчик бўдиб, у бекатга келиб тўхтаган эше-лонлар ҳақида душман штабига хабар бериб турган экан... Кечки текшириш вақтида баталь-он командири бизни сафга тизиб кўмондонлик-нинг буйруғини ўқиб эшиттирди».

Буйруқда младший сержант Азизахон Қалан-дарова билан старшина Иван Андреевнинг хушёрлиги натижасида ёш жосус қўлга тушган-лиги ва шунинг учун кўмондонлик уларга та-шаккур билдиргани баён қилинганди.

Азиза аянинг жасоратлари ҳақидаги суҳбати-миз давомида 2-саҳифада ўқийсиз.

- Азиза ая, фронтдаги фаолиятингиз қандай бошланган?

- Жаҳон уруши бошланганда юзлаб тенгдошларим қатори ҳарбий комиссариатга келиб, "Мени фронтга юборинг" дедим. Ўша вақтда эндигина 18 ёшга тўлганлигим учунми, уларнинг кўзига жуссаси кичиккина, нозиккина бўлиб кўриндим шекилли, рад жавобини беришди. Бироқ мен сўзимда туриб олдим. 1941 йилнинг сентябрида жонажон Тошкентим билан хайрлашиб, Чоржўйдаги медицина курсида бироз таълим олиб, фронтга кетдим.

- Тиббий ходим бўлиб ишлаган экансиз-да?

- Албатта, мен ярадорларга биринчи тиббий ёрдам берардим. Аммо мутахассислигим бўйича ишламадим. Мени зенитчилар батальонига қабул қилишди. Яна ўқидим. Тўпчилик осон хунар эмас.

- Батафсилроқ тўхталсангиз.

- Тўпчилик сирларини мукаммал билмай туриб, урушга иш бериш қийин. Бўлмаса-чи, узоқдан ўз самолётларнинг овозини душман самолётларининг овозидан фарқ қилишни ҳар ким ҳам тезда пайқаб олавермайди. Биринчи жангга кирганимда бутун батальон бўйича душманнинг саккиз самолёти уриб туширилди. Мен эса учта душман самолётини уриб туширдим. Бу жангдан сўнг "Қизил юлдуз" орденини олганман.


- Бошқа жасур қизлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

- Дугоналарим Ольга Петрова, Рая Ткаченколар билан биргаликда жангчиларга тиббий ёрдам кўрсатардик. Ҳа, бир кун ярадорларга биринчи ёрдамни кўрсатиб қайтиб келаётганимизда узилган симни икки кўлига ўраган ҳолда ҳалок бўлган Нюрани кўриб қолдик. У икки кўзини катта очганча ҳаракатсиз ётарди. Биз Лида билан Нюранинг кўлидаги симларни бўшатиб олиб, алоқани тиклашга киришдик. Маълум бўлишича, бомбардирмон вақтида алоқа симлари узилган экан, натижада штаб билан батальон ўртасидаги алоқа тўхтаб қолган эди. Биз йиқилган симёғочларни тиклаб, узилган симларни уладик. Ярим кечада алоқа тикланди. Қисм командири бизга ташаккур

АЗИЗА АЯНИНГ ЖАСОРАТИ

Азиза Қаландарова 1927 йил 2 июлда Тошкент шаҳрида ишчи oilасида таваллуд топган. Уч яшарлик вақтида онадан, етти ёшлигида отасидан жудо бўлган. Ёшлик йиллари 15-болалар уйида ўтган. Еттинчи синфни тамомлагандан кейин Тошкент медицина техникумида тахсил олган.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги урушда бўлган хотин-қизлар раиси. Республика уруш фахрийлари раисининг муовини. Тўрт нафар ўғли, ўн олти набира ва чеваралари бор.



эълон қилганди.

- Яхши хотираларингиз ҳақида тўхталсангиз.

- Руминияга борганимизда март ойлари эди. Володя исмли бир йигит майсалар орасидан бир гулни узиб олиб: "Сени 8 март хотин-қизлар байрами билан табриклайман", - деди. Шунда кўнглим анча кўтарилиб, ҳатто кўзимга ёш олдим. Чунки у вақтларда байрамлар ёдга олинмас эди.

- Юртимизда Шаҳидлар хотираси мажмуи, 2-Жаҳон уруши қатнашчиларининг хотира майдони очилган кунни ҳам ҳаяжон билан эслаб юраман. Ўтмишсиз

келажак йўқ, деб бекорга айтишмайди. Ўтмишимизни эслаш, жонкуярларни хотирлаш савобли иш. Айниқса, Хотира майдонидаги "Китоблар"га эътибор беринг. Ҳар бир вилоятга алоҳида "Китоб" ажратилган бўлиб, унда жами уруш қатнашчилари, ҳатто номаълум деб ҳисобланган аскарлар номлари ҳам қайд қилинган. Мотамсаро онанинг рамзий тимсолида ўша вақтдаги оналарни, рафиқаларни кўрамиз. Бундай ташаббус билан чиққан юртбошимизнинг отасига минг раҳмат.

- Бугунги тинч ҳаётимизга раҳна солаётган кимсаларни нима дейиш мумкин?

- Диёримизга бостириб кирмоқчи бўлганлар ҳеч қачон рўшнолик кўрмайдилар. Ўзаро чамбарчас боғланган халқни ҳеч қандай куч енга олмайди. Ёвнинг ўзи ўзининг бошини ейди. Мен Она юртининг тинчлиги учун, мусаффо осмон учун ёв билан курашга отланадиган мард йигитларимиз борлигидан фахрланаман. Яқинда юртбошимиз аскарлар билан учрашиб:

"Болам, каскангни пешонангга бостириб кийма, уни тўғри кий, менга сенинг ҳаётинг афзал" деганларида кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди.

- Ёшларимиз тарбияси ҳақида нима дея оласиз? Улардаги меҳр-оқибат қандай?

- Мустақиллик ёшларимизга эркин фикрлашни, чуқур билимга эга бўлишни, жаҳон миқёсига кўтарилиш имконини берди. Бугунги кун ёшлари спорт ва санъатнинг ҳар жабҳасида, билим ва савиянинг юқори чўққиларида ўзларини намоён қилмоқдалар. Улардаги меҳр-оқибат ҳам ўзларига яраша. Ватанига, онасига, дўстларига, опа-сингиллару ака-укаларига меҳри бўлмаса дунёдаги тенгдошлари билан беллаша олармидилар? Яқин кишиларини тушунмаган инсон қандай қилиб компьютерни тушуна олсин? Дўстлари билан тил топиша олман бола чет тилда гапира оладими? Аксинча, техникага қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Тил ўрганиш ҳар бир ёшнинг мақсадига айланган. Демак, меҳр-оқибат ҳам фарзандларимиз қалбида яшайди мангу. Чунки уларнинг қониди забардаст инсонларнинг қони гупуриб оқмоқда. Улар онгида Амир Темур, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Муҳаммад Бобурларнинг ғоялари жўш урмоқда.

- Азиза ая, мароқли суҳбатингиз учун сизга ташаккур. Сиз каби жасоратли, иродали, фидойи оналаримиз бор экан, келажак аълодларимиз ҳамisha бахтли ва тахтли бўладилар.

- Айтганингиз келсин. Раҳмат.

Муҳаррама ПИРМАТОВА
суҳбатлашди.



БОҒДАНИ БАЙРАМ

Азиз болажонлар! Келинг, биргаликда бир истироҳат боғига сайр қилмаймизми? "Дисней Ленд" га дейсизми? У ерга кўп боргансиз-ку, "Боғи Эрам" га борамиз.

Эҳ-ҳе, жаннатнинг ўзи-ку! Турли атракционлар, булоқ сувидек тиниқ кўлда каттакон тош, эртақлардагидек манзара.

Ие, бу ерда ўйин-кулгу бўляптими? Бориб кўрайлик-чи? Нима гап? Анови киши Азиз Ёқубов бўладилар-ку! Улардан сўрай қолайлик:

- **Зўр тантана устига келдинглар. Абдулла ота ва Мўътабар аяларингиз ўн бир фарзандни тарбиялаб, тўққизтасини ўқитувчи бўлишига ҳисса қўшганлар.**

Баҳодир акангиз қишлоқ хўжалиги дорилфунунида, Асқар акангиз педагогика университетида, Яшнак акангиз мусиқа мактабида, Бахтиёр акангиз 25-мактабда дарс берадилар. Сингиллари Малика опангиз алоқа лицейида, Мавжуда опангиз 81-мактабда, Мўъжиза опангиз Чирчиқдаги 2-гимназия мактабда ўқитувчилик қиладилар. Мавлуда ва Маъмура опаларингиз ёш бўлсалар-да, пойтахтдаги 316- ва 46-мактабда директорлар, ўта талабчан, ҳаракатчан раҳбар.

- Ўҳ-ҳў, бир оиладан шунча ўқитувчи чиққанми? - ажабланиб сўраймиз.

- Бу ҳали ҳолваси, келинлари, набиралари, куёвларидан ҳам ўқитувчилар кўп. Булар - Норматовлар сулоласи.

Шу вақт ширали овозда шеър ўқий бошланди. Шоирани тополмадик. Билсак, Ойтура опанинг (жойлари жаннатда бўлсин) ўзлари шеър ёзар эканлар, магнит тасмага ёзиб олинган кассетани эшитаётган эканмиз.

Кўзимиз кийимлар, попоп, каштачилик намуналаридан ташкил топган кўргазмага тушди. Бу ҳам ўқитувчи опаларимизнинг ишлари экан. Қойил-ей!

Ана "Орзу" гуруҳи, Неъматжон Дўстмуҳамедов, яна қатор санъаткорлар. Мириқиб қўшиқ тингладик, рақсга тушдик.

"Чаманда гул очилса" номли бу тадбирдан роса мазза қилиб қайтдик. Сиз ҳам боққа ташриф буюрсангиз, яна бирор байрам тадбири устидан чиқиб қоларсиз.

Гулёз БАҲОДИР қизи.

Memo

туялар карвони

Азиз тенгдошларим! Мен сизга ўзим яшаётган Пойканд шаҳри ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

Манбаларда "Бойканд", "Пойканд", "Пайкент" номлари билан машҳур бўлган бу қадим шаҳар бугунги кунда осмон остидаги очиқ музейга айланмоқда. Ўркач-ўркач қум бархонлари устида бино бўлган шаҳарда қолган харобалар таъмирланмоқда. Шаҳар девори устидан атрофни кузатар эканман, ҳар гал олис-олисдан кўнғироғини жаранглайиб туялар карвони келаётгандек бўлади. Атроф дарахтзор тоқзор... Ўзбек юрагидек тафтли куёшдан нур эмиб Пойканд жилоланади. Кўзимга, кўнглимга ҳузур, гурур бахш этади.

Ҳозирги кунда ҳукуматимиз қарори билан музей кўриқхона ташкил этилаётган Пойканд учун жуда катта маблағ ажратилган. Демак, асрларни мафтун этган Бухородаги кўҳна савдогарлар шаҳри яна мафтункор тус олади.

Мавжуда НУРОВА,
Бухоро вилояти,
Қорақўл туманидаги
43-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.



Shu vatanga border mening keragim



Salom, "Tong yulduzi!" Bizning 5-"A" sinf o'quvchilari sening doimiy muxlislaringimiz. Biz a'lo o'qish bilan birga jamoat ishlarida ham faol qatnashamiz. Shu qatorda vatanimizni jon dildan sevuvchi, uni yovuz kuchlardan himoya qiluvchi oqil, dono farzandlaringimiz. Biz vatanimizni gullab-yashnashi, jahon davlatlari qatorida o'rin olishi uchun a'lo o'qishimis, namunali xulqimiz bilan harakat qilamiz. Shu bilan birga Beruniy, Al-Xorazmiy, Al-Buxoriy, Farg'oniy kabi buyuk ajdodlarimiz bilan faxrlanamiz. Qalbimizdan vatanga muhabbatni, vatan tuyg'usini hech qanday kuch chiqara olmaydi.

Farg'ona viloyati,
O'zbekiston tumanidagi
Al-Xorazmiy nomli maktab
o'quvchilari.

QIRLARDAGI LOLAMIZ

Qirlardagi lolamiz,
Shabnamlarga cho'milgan.
Zamindagi maysamiz,
Iforlarga ko'milgan.

Keng osmonlar bizniki,
Keng dunyolar emas tor.
Chunki bizda beg'ubor,
Baxtiyor bolalik bor.



KUCHUKCHAM


Oyim deydi "Qo'ng'iroq",
Dadam esa "To'pponcha".
Sening oting bormi ayt,
Menga sirdosh kuchukcha.

Sen borsanki hovlida,
Havotiru qo'rqish yo'q.
Ishonamiz senga biz,
Seni hech hurkitish yo'q.

ZAHMATLARNING ASIRI

Tinim nima bilmaysiz,
Mehnatkashsiz, xolajon.
Dunyo tashvishin tortgan,
Jafokashsiz, xolajon.

Qo'llaringiz qadoqli,
Yuzingizda chiziqlar.
Zahmatlarning asiri-
Ayol degan yoziqlar...



BEMINNAT KITOB

Ichi to'la mo'jiza,
Ilm beradi tinmay.
Har bitta sahifamni
O'qi der minnat qilmay.


U nima, siz aying-chi?
-Ha, topdingiz, u kitob.
Ichi to'la dur, ma'no,
Tafti go'yo ki oftob!



Andijon shahridagi Xalqlar
do'stligi nomli 1-
gimnaziyaning 5-sinf
o'quvchisi Mehrinoz
ALIYEVA bog'cha yoshidanoq
o'qish-yozishni o'rganib g'azal
va dostonlarni yod olgan ekani.
Rasm chizish, raqsga tushish,
boshqotirmalar ustida soatlab
o'tirib, aniq javoblarni topish
tengdoshingizning sevimli
mashg'uloti sanaladi. ISTIQLOL bolasi,
davrimizning gulu-lolasi Mthrinnoz «ota-onamga»
mthribon farzand, yurtimga sadoqatli qiz bo'lsam», -
deydi.



Niyating yo'ldoshing bo'lsin, Mehrinoz!
Qalbingga yaratish-yashnatish zavqini solgan ollohga
shukronalar aytib, sen kabi go'zallikka intilgan
farzandlarimiz ko'paysin, -deymiz. Chunki
senko'rgan-kechirganlaringni she'r qilib hayotdan
baxtiyorlik, ertangi kunga umidvorlik tuyg'ularingni
odamlar bilan o'rtoqlashmoqchi bo'lasan.
Go'zallikka intilmoq esa odamiylikning ilk shartidir.
Aziz o'quvchilar! Tengdoshingiz Mehrinozning
o'zingiz qirqib, sahifalab va tikib oladigan jaji
to'plami ham kitob-javobingizni bezashiga ishonamiz.




Shamollar g'uv-g'uv uchar,
Daraxtlar esa tirar.
Qorbobo oynalarni,
Rasm solishga timar.
Tepalikda bolalar,
Sirpanchiq uchib quvmar.
Bobolar va momolar
Issiq uyida uxlar.

JONAJONIM

Onajonim-jonajonim,
Yuragimsiz, jonga jonim.
Bebaho boyligimsiz,
Behad chiroyligimsiz!

Gavharisiz ko'zimning,
Mehringiz misli daryo.
Bu daryo oqib tursin,
Tinish bilmasin aslo!




ATIRGUL

Dalada g'o'za choryapti, ana,
Yuzlari quyoshdek qizarib-yonib.
O'todan so'ng suv ham quyaypti, mana,
Sirlashib, dalasin bir do'stday tanib.


Quyoshdan ilgari uyg'onib yana
Quyoshdan keyin u ketar yotoqqa
Ter to'kib ishlasa qilmasdan ta'na,
Dalasi burkanar gulga, butoqqa.

Olinga aylanar
mehnati keyin,
Mehnatlash insonning
omadi tayin.



Xushbo'y hid taratar olamga,
Ifori yoqadi odamga.

Bayramga anlanar tanti dil,
Oq, pushti, qir-qizil atirgul!
Men seni juda ham sevaman,
Do'imga sanchmagin sen tikan!




YANGI YIL

Yangi yil ham kelmoqda,
Oqqa belab dunyoni.
Eski yil-chi qolmoqda
Tilab yaxshi duoni.

Bir yoshga oshirdi yosh,
Aqlingga aql qo'shib.
Onam kabi olim
Bo'lmqlikka shoshirib.

Yashil kiyingan archa
Uy to'rida bezalgan.
Ko'zlarim qamashitirar
O'yinchoqlar tizilgan.

Endi o'yinchoq emas,
Kitobga dugonaman.
Onam kabi bo'lmogga
Chin dildan otlanaman.




NAVRO'Z

Bahor kelib borliqqa,
Yashil gilam to'shadi.
Assalom, deb boychechak
Ko'rkiga ko'rk qo'shadi.

Daraxtlar tugdi kurtak,
Cho'ronlar chaladi nay.
Momolar ayrgan ertak,
Do'shqlardan aylanay.

Tog'larda qor eridi,
Imoqlar to'ldi suvga.
Quyosh kulsa erta tong,
Yurak to'lar g'uluvga.

Bugun qanday ish qilay,
Deyman, tezroq reja tuz!
Qadaming bo'lin qutlug',
Barchamiz uchun NAVRO'Z!

TUG'ILGAN SIZGIRIN
O'ZGIRMAN

Sukunatda turibsan falak,
Qadr bilmas g'animing halak,
Tinchligingni ko'rolmas ular,
Sukunating buzg'unchi shular!

Tinch bo'l deya duolar o'qib,
Tinchlik she'ru qo'shig'in to'qib,
Yashar bo'ldi Mehriroz qizing,
Orzulari cho'ng parvoz qizing!



UNA ZUMRUD

Tuprog'im, azizsan onam suiday,
Seni asrayman ko'z qorachig'imday.

Onamning bag'rida yurgan betashvish
Beg'alva, baxtiyor bola chog'imday!

Men senga zor bo'lmay, ona tuprog'im,
Men senga xor bo'lmay, ona tuprog'im!



Mehrinoz ALIEVA

SIT TENG TOQ DUNYODA



TONG YULDUZI — 2000

MUSTAQILLIK

Siyosating ulug'vor,
Xumo qushing parvozda.
Xalqing yashar baxtiyor,
Tinch yashamoq eh, soz-dal!

Ko'rmagin sira alam,
Asrlar osha yasha.
Yosharib borar olam,
Niyatingga yarasha...



BOLALIKKA QAYTASIZ

Yurtboshimiz ishongan
Kelajakka qanotimiz.
Maqsadlari ushalgay,
Uchquru, qaysar otmiz.

Bolasan deb koyimang,
Yetaklang nurlı yo'ldan.
Qo'llamodan toyimang,
Bizni chiqartmang qo'ldan.

Bolalikning muqaddas
Qo'shiqlarin aytamiz.
Bizni baxtli qilsangiz,
Bolalikka qaytasiz!

SIZ 75 YUZA
DUNYODA

Siz tengi yo'q dunyoda,
Ilm, fanda, hayoda,
Onajonim - tanhosiz,
Sizga mehrim ziyodal!

Farzand baxti yo'lida,
Har bir ishga tayvorsiz.
Ezgu xayol ko'nglida,
Siz muqaddas ayolsiz!

Siz tengi yo'q dunyoda,
Onajonim, tanhosiz.
Sizga mehrim ziyoda,
Jonajonim, tanhosiz!



MENING DADAM

Inson galbin pokligin sizda ko'rsinlar,
Olam ittifoqligin sizda ko'rsinlar.

Oila tinchligi siz - posbonimizsiz,
Sadoqatni ham issiq yuzda ko'rsinlar.

Sochingizning oqligi ko'ngil oqligi,
Odamiylik burchin cho'g' ko'zda ko'rsinlar.




MAKTABIM

Ona so'zin ma'nosin,
Vatan - so'zlar dono'sin,
Bildim olib «a'losin»,
Maktabjon, maktabimda.

Qo'shuv, yozuv, chizuvni,
Bo'luv, ayuv-o'quvni.
Bildim she'r ham to'quvni,
Maktabjon, maktabimda.

Nomin maqtalab yuraman,
Ham sog'inib turaman,
Rahmatlar yog'diraman,
Maktabjon, maktabimga...

BUVIJONIM,
KO'P YASHANG

Siz kelingan
beshtik va aravaga
Qalbingiz qo'tini
o'raysiz.

Siz saxar turibog
har nevaraga
Ollodan umrlar
so'raysiz.

Siz tikkan chorsilar
taxi buzilmay
Bizlarning to'yimiz
kutadi.

Sandiqda atlaslar
ipi suzilmay
Rostlangan bo'yimiz
kutadi.

Quvonch ustiga zo'r
quvonchlar bo'lib,
Yo'lingizga gullar
to'shalar.

Siz bizning rohatini
ko'rasiz hali,
Yoshingizga yoshalr
qo'shilar.



215702 J2J

Mehriyu - muhabbati
Yog'liadi yuzidan,
Ilmga sadoqati
Seziliadi ko'zidan.

Bolamlab odob berar
Yogimti har so'zida.
Men tolmay bo'idim yurar
Shu ustozning izida.



KORSHAPALAK

Gulga qo'ngan kapalak,
Go'zallikka cho'madi.
Tun chiqar k'orshapalak,
O'zizq, qayga qo'nadi?

Aylanib topolmas joy,
Tom, bo'g'olda izg'iydi.
Men sevgan kapalaklar,
Lolazorda mizg'iydi.

Shuning-chun ko'rshapalak,
Odamlar-la qololmas.
Bo'lolmas hech kapalak,
Gul iforin ololmas.



VATAN

Jajji yurak bilan
Anglab yetaman.
Men ketsam vatandan,
Qayga ketaman?

Vatangadolarga
Tuproq benasib.
Mag'rur yurolmaslar,
Tuproqni bosib

Qo'shiqda kuylanar,
So'zim bittadir!
"Vatan yagonadir",
"VATAN BITTADIR!"



YUZGA KIRING, MUALLIM


Qalbinga gulxan yoqqan,
Yuzingga kulib boqqan,
Rahmat sizga, muallim!

Orzular olamiga
Yetaklab berar ta'lim,
Yuzga kiring muallim!

ERK

Kutganding isniqlolni,
Orzularing ushaldi.
Armonlaring yo'qoldi,
Erk nurlari to'shaldi.

Ustozim, onam, otam,
Baxtiyor yashar Vatan.
Panohida myn ham shod,
Ulg'ayaman, yurt obod.



RAHMAT


Har tong o'qish, izlanish
Uchun myn o'tlanaman.
Qushlar qo'shig'in tinglab,
Gullardek shodlanaman.

Tinch zamonda yayratgan
Yurtga rahmat aytaman.
Yurtboshim, yirtidoshingga
Go'zal she'r-lar bitaman.



KATTALAR

Kuni bilan ishlaysiz,
Tuni bilan ishlaysiz.
Farzandim to'q yashasin,
O'lmasin, yo'q, yashasin.
Deb umrlar tilaysiz,
Mehringizga belaysiz,
Ey, kattalar, sog' bo'ling,
Doim baqti chog' bo'ling!



SHERZOD

Sinfidoshim Sherzod,
Juda ham beg'am.
Har kun maktabda
Bir narsasi kam.

Gap ta'sir qilmas,
"Uch", "ikki"lar ham.
Ustozlar bergan,
Pand, dakkilar ham.

Sinfidoshim, Sherzod,
Bo'lmay tasqara,
Tezroq ko'sing och,
Bo'lma masxara.



MUBORAK

Mustaqillik muborak,
O'zbekiston Vatanim.
To'qqiz yoshga to'libsan,
Senga fido jon-tanim.
Havas bilan boqadi,
Bugun senga davlatlar.
Rejalaring ulug'vor,
Xalqing esa baxtiyor.
Buyuk bobolar ruhi,
Qo'llasin seni har dam,
Asrlar osha yasha,
Kormagin sira alam.
Humo qushing parvozi
Yanada yuksak bo'lsin.
Har kuning bayram bo'lib,
Shodlik, quvonchga to'lsin.



NIZAT

Bizlar baxtiyor avlod,
Xayotning davomchisi
Ulg'ayar sog'lom avlod.
Ezgulik ilhomchisi.

Istiqlolning ertasi,
Kelajakning egasi.
Ezgu ishlarning boshi,
Mustaqillik mevasi.

Vatan sarhadlarining,
Har qarichin saqlaymiz.
Vatanning tuz, nonini,
Biz albatta oqlaymiz.

Мана, яна куз келди. Пахта терими мавсуми бошланди. Илғор хўжаликлар бирин-кетин йиллик пахта тайёрлаш режаларини бажарганлиги тўғрисида хушxabарлар тарқалмоқда. 30-йилларда битта шоирнинг Назир ота

исмли асабий қахрамони: “Тош ёғса ҳам сўнгги мисқолигача териб олиб, давлатга топширамиз!”, деб кўкрагига муштлаган экан. Ҳозир кўкракка муштлайдиган замонлар ўтиб кетган: ҳамма ўз ва-зифасини яхши билади, йиғим-терим чоғида оммавий сафарбарлик эълон қилинмайди ёки “пахтазор зарбдор фронт” деб ёшу қари далага ҳайдалмайди. Мамлакатимиз

босқичма-босқич бозор иқтисодиёти шароитига кириб борапти. Шу боис ноўрин шиорбозликка ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Ҳар ким эканини ўради ва етиштирган маҳсулотига яраша ҳақ олади. Бозор иқтисодиёти тамойиллари қарор топаётган кезларда маҳсулотнинг сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Зеро, муҳтарам Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “ижтимоий ҳаётда сиёсат эмас, балки иқтисод етакчилик қилади”. Илгари бозор талаб қилмайдиган маҳсулотлар ҳам азбаройи “беш йиллик режада кўзда тутилган бўлса, ишлаб чиқарилиши шарт!” эди. Яъни, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш кучлари жамиятга фойда келтирмайдиган фаолият билан шуғулланишга маж-



бур бўларди. Негаки, топшириқ бажарилмаса, гўё осмон узилиб ерга тушарди... Узоқни ўйламасдан хўжалик юритишнинг нечоғлик оғир оқибатларга олиб келишини энди кўриб турибмиз. “Биз табиатдан эҳсон кутмаймиз, биз табиатни бўйсундирамиз!” деган социалистик ақида туфайли табиий

МИЛЛИОН ЭГАТЛАРГА СОЧИЛГАН ЎЗБЕК

бойликларимиз - ер, сув, ҳаво табиий хусусиятларини йўқотди, Орол денгизи ҳалокати рўй берди. Агар қишлоқ хўжалиги билан саноат тармоқлари бир-бирига узвий боғланган ҳолда ривожлантирилганда, барча соҳаларда тарихий анъаналаримизга амал қилинганда кутилмаган экологик муаммолар содир бўлмасди.

Табобат илмининг алломалари: “Ҳар қандай касалликни муолажа қилишдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ”, дейдилар. Дарҳақиқат, бу сўзларни табиатга муносабат борасида ҳам ишлатиш мумкин. Масалан, етмиш йил мобайнида муттасил бир хил экин экилган далалар ҳосилдорлик хусусиятини батамом йўқотади; кимёвий химикатлар тупроқ таркибидеги фойдали қурт-қумурсқалар-

ни кириб юборади, тупроқнинг “нафас олиши”ни таъминлайдиган чувалчанглари нобуд қилади. Ёки пахта каби кўп сув талаб қиладиган зироат ер остидаги сизод сувларнинг кўтарилиб, шўрланишининг кучайишига сабаб бўлади. Тўғри, сунъий усулда чувалчанглари кўпайтирилиб, маълум бир

далаларга тарқатилиши мумкин. Аммо улар табиий шароит йўқлиги туфайли кўпаймасдан, яна қирилиб кетади. Ернинг шўрини ювиш учун 3-4 марта яхоб берилиб, шўрланиш ҳам маълум миқдорда камайтирилиши мумкин. Аммо заҳкашлар шўр сувга тўлиб-тошгач, яна эски “касал” ҳуруж қилаверади. Хуллас, ўша социалистик хўжалик юритиш тизимининг асоратлари қишлоқ хўжалигини боши берк кўчага киритиб қўйган эди. Биз энди ўтмишдаги хатокамчиликларни такрорламаслигимиз лозим. Ҳар бир қарич еримиз ўзимизники эканини теран ҳис этиб, уни авайлаб-асраш кераклигини ёшлиқдан онгимизга сингдириб олишимиз зарур.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги қисми қишлоқларда истиқомат қилади, халқимизнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Яъни, биз аграр мамлакатнинг фуқароларимиз десак муболага бўлмайди. Ота-боболаримиз миришкор деҳқон бўлиб ўтгани билан фахрлансак арзийди.

Зулфия мукофотиغا номзодлар



Ҳатто бундан 2700 йил муқаддам яратилган машҳур “Авесто” китобида “Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан, кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб қолгани сароб” (Ватан тарихи, Тошкент “Ўқитувчи”, 1997 йил 102-бет), дейилади. Ҳақиқатдан ҳам, инсоннинг ризқи-насибаси тупроқдан униб чиқади, тупроқда етиштирилади. Деҳқонлар том маънодаги тупроқшунослардир. Агар биз халқимизнинг ризқи-насибасини яратаётган бобо-деҳқонларимизга бозор иқтисодиёти шароитларида, миллий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда кўлимиздан келганича ёрдам бера олсак, шак-шубҳа йўқки, жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Зеро, Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ҳам бундан бир неча йил аввал:

“Менинг нигоҳимни тортади такрор,
Миллион эгатларга сочилган ўзбек”,
деб бекорга куйиниб ёзмаган, ахир!

Азиза АВЛИЁҚУЛОВА,
Тошкент Аграр университети-
нинг 4-босқич талабаси.

ҲАЛОЛ БЎЛИШ УЧУН СИЗГА НИМАЛАР ЕТИШМАЙДИ?

Мени бир нарсга ҳайрон қолдиради. Инсоний фазилатлардан жудо бўлиб, иблисга айланган кимсага ҳам “сен иблисан!” дейилса, қаттиқ хафа бўлади. Исён кўтариб, “нега бундай дейсан?” деб жириллайди. Демак, шунинг кўнглида ҳам одам бўлишга истак-майл бор.

Аммо у иродасизлиги туфайли ичиқоралик, очкўзлик, бадбинлик ва худписандлик қилиб, ўзи учун энг муҳим бўлган одамий фазилатларидан айрилган. Бунинг бош сабаби нимада? Ҳали айтганимдек унинг иродасизлиги, бўшлигидадир...

Дарҳақиқат, иродаимизнинг бўшлиги бизни ноодамий ишларга бошлаши мумкин. Дўстимизнинг бошига ташвиш тушди. Унга ёрдам қўлини чўзишимиз мумкин эди, лекин биз ортиқча галвани истамадик. Ваз-қорсон кўрсатиб, ўзимизни четга олдик. Шу тариқада иродаимиз бўшлиқ қилди, инсонийлик, ҳалолликка путур етказдик. Демак, ҳар бир ҳаракатда ҳам, босаётган қадамимизда ҳам иродаимизга, дил амримизга қулоқ тутмаслигимиз ҳалоллигимизга, одамийлигимизга путур етказар экан...

НАФСИМИЗНИ ЕНТИШГА ҚУЛАРАТИМИЗ ЕТАДИМИ?

Иродаимизнинг бўшлиги нафсимизга қул қилишга олиб келса, қатъиятчилик бизни бундай нохўшлиқдан асраши мумкин. Нафсимизнинг қулимиз, дедим. Айтайлик бировнинг бизга иши тушди. Унинг мушкуллини ҳалоллик билан, одамгарчилик юзасидан ҳал қилишимиз, ўша одам қалбига ҳам эзгулик уруғини экишимиз мумкин эди. Бироқ биз имкониятдан фойдаланиб қолишни истадик. Унга “лўқ” қилиб қараб турганимизда таъма яширин. Ўша дақиқаларда иродаимизга кучимиз етмади. Виждонимизга қулоқ солмадик. Унинг берган нарсасини олдик. Бу билан уйимизга бир “нарс”лик бўлиб боргандирмиз, аммо ўша лаҳзаларда биз одамийлик номили ноёб фазилатдан маҳрум бўлдик-ку! Нафсимизни тия олмадик. Оқибатда руҳан мағлуб бўлдик, ер бўлдик, яқсон бўлдик...

Азиза ҚОРАБОЕВА,
талаба.

Дин ибтидоий жамоа тузими даврида вужудга келган ва ўша даврда яшган инсонларнинг дунёқарабини акс эттирган бўлиб, мавжудотларнинг келиб чиқиши, ҳаёт мазмуни ва маъноси нимада, деган саволларга ўзича жавоб берувчи дунёқараш шакли бўлиб келган.

Диннинг арабча маъноси - эъти-

ДИН ҚУРОЛ ЭМАС

қод, ишончдир. Ижтимоий ҳаёт воқеалик, унинг ҳодисаларини ўзига хос акс эттирувчи ижтимоий онг шаклларида биридир.

Динлар тарқалиши ва аҳамиятига кўра жаҳон динлари ва миллий динларга бўлинади. Жаҳон динларидан энг кенг тарқалгани христиан дини бўлиб, бу дин уч мазхабни - католик, протестант ва православ мазхабларини ўз ичига олади, унга асосан Европа, Америка ва Австралияда яшовчи халқлар эътиқод қилади. Эътиқод қилувчилар сонига кўра биринчи ўринда христиан дини турса, ислом дини иккинчи ўринда туради. Жаҳон динлари ичида будда дини учинчи ўринда туради. Ҳатто Қуръонда “илм” сўзидан чиққан “алима” (билмоқ) сўзи 750 маротаба учрайди.

XX аср ажойиб илмий кашфиётлар асри. Инсон Коинотга учиб, унинг сирлари қўйнига кириб бораётган аср. Ахборот ва ғоят улкан техникавий

имкониятлар асри.

Афсуски, инсоният тарихида диний онг эътиқоддан фақат бунёдкорлик кучи сифатида фойдаланиб қолмай, балки динни ниқоб қилиб олиб ундан вайрон қилувчи куч сифатида фойдаланувчилар ҳам мавжуд.

Диний қарама-қаршиликлар кўпинча ирқий ва миллий зиддият-

лар билан боғланиб, узоқ давом этадиган “қайноқ нуқталар”ни вужудга келтиради. Мисол тариқасида Шимолий Ирландиядаги (Ольстерда) сиёсий кескинлик кўп йиллардан буён давом этапти. Бу ерда аҳолининг қашшоқроқ қисми бўлган аҳоли католиклар билан иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётда муҳим мавқеаларни эгаллаб олган протестантлар (Англия ва Шотландиядан кўчиб келганларнинг авлодлари) ўртасида диний низолар тўхтамаяпти.

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди. Уларни поклаб, юксалтиради. Ҳаётни очиқ синовлари, муаммо ва қийинчиликларини енгиб ўтишларида куч бағишлайди. Умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам беради.

Биз ёшлар диннинг асл мақсадларини англамоғимиз, тушуниб етмоғимиз лозим.

Шарофиддин РИСКУЛОВ.

ДАДАМНИНГ ОРЗУСИ

Уйимизда 70-80 йилларнинг газета тахламлари сақланади. Ўша пайтларда туман ва вилоят газеталарининг деярли ҳар бир сониди кишлоғимиз ҳаёти, одамларнинг кувонч ва ташвишларини акс эттирувчи мақола, хабар, очерклар кўзга ташланади. Газета саҳифасида чоп этилган материалларнинг остида "Раҳмиддин Форсаев" деб қўйилган.

Раҳмиддин Форсаев менинг дадам бўладилар. Бобом ва синфдошларнинг айтишларича, дадам мактабни фақат аёло баҳолар ва намунали хулқ билан тугатган эканлар. Ҳали ўқувчилик кезларидаёқ мухбир сифатида танилганлар. Мактабни тугатгач, ўзлари орзу қилган касбни эгаллаш мақсадида ЎзМУ (Тошкент Давлат Университети) нинг журналистика факультетига ҳужжат топширишга ҳаракат қилганлар. Афсуски, кишлоқ мактабида хориж тиллардан бирортаси ҳам ўтилмаганлиги учун қабул комиссияси ҳужжатларни олмаган.

Дадам ўзлари мустақил равишда хориж тилларни ўрганишга интилганлар. Бу орада ҳарбий хизматга чақирув қоғози келган. Сўнгра турмуш ташвишлари... Афсусларким, дадамнинг орзулари ушалмай қолган...

Истиқлол шарофати туфайли ёш

авлод таълим тарбиясига ҳам эътибор кучайтирилди. Бизнинг кишлоқ мактабимизда ҳам ўқитиш ишлари кучайди. Лингафон кабинетлари, тўгараклар ўқувчилар ихтиёрида. Хориж тиллари бўйича

дарс берувчи мутахассислар ўз кишлоғимиздан етишиб чиқди. Энди билимли, иқтидорли ёшлар тест синовларини муваффақиятли топшириб, олий ўқув юртида, хатто хорижда ўқиб келишяпти.

Бундай дориламон кунларни дадажоним кўрсалар эди...

Мен ҳам журналист бўлишни орзу қиламан. Бугунги ўзбек миллий матбуотида ўз касбининг фидойиси бўлган, билимли, истеъдодли, ҳар жиҳатдан етук журналистлар фаолият кўрсатаётганлигини ойнаи жаҳон, радио ва кундалиқ матбуот нашрлари орқали ўқиб, эш.тиб турибмиз.

Билимни ошириб, маҳаллий газеталарга мақола ва хабарларим билан қатнашиб келаяпман. Синф деворий газетасининг муҳаррири сифатида тенгдошларимиз ҳаёти ҳақидаги қизиқарли, мазмунли кичик лавҳалар, репортажлар тайёрлашга ҳаракат қилаяпман. Ниятим, дадам орзу қилган касб журналист бўлишдир.

Аббос ФОРСАЕВ,
Касбий туманидаги Ботир
Дўстбобоев номи
4-мактаб ўқувчиси.

БОЛАНГИЗ ГАЗЕТА ЎҚИЙДИМИ?

Ҳар ҳафта фарзандингиз номини айтиб, почтачи амаки ўз газетаси «Тонг юлдузи»ни олиб келиб берадимиз? Бир вақтлар ўзингиз, ота-онангиз, бобо-бувиларингиз ўқигандингиз-ку, уни.

Азиз ота-оналар! Барча юмуш ва ташвишларингизни бир зумгина унутиб, болалигингизга қайтинг. Болалигингиз ҳамроҳи ўз газетангизни қанчалар орзиқиб кутардингиз-а? Қаттиққўл устозларингиз мактаб эшиги олдида туриб, обунага пул келтирдигми, деб сўраганлари-чи? Энди, ҳамма нарсаси эркин. Аммо болаларга дарсингни қил, деб дакки бермасак ҳаммалари ҳам осонгина дарс қилишмайди. Шундай экан, болалар маънавиятини юксалтирадиган, уларнинг оламига мамлакатимиз сиёсати-инсонпарварлик гоёсини олиб кирадиган, тинчлик, тотувлик қадрини тушунтирадиган, келажакка умид билан боқишга ундайдиган ўз газетаси «Тонг юлдузи»ни ҳар бир бола ўқиши шарт.

Чунки, «Тонг юлдузи» республика болалари ва ўсмирларининг газетасидир!



ОЗНАМАНД ЭЗЭДИ



Чўлпоний МЕЛИҚУЗИЕВА
ЗЕХНЛИ ҚИЗ

Иши фақат гапириш, Қайғуларим даф қилиш. Расм чизиб, ўчириб, Орзуларин учуриб, Аясини кулдириш, Бўшлигини тўлдириш... Зеҳнли Дилфуза қиз, Меҳрли Дилфуза қиз...

АҲМАДЖОН

Асал бола, бол бола, Лек ҳардам ҳаёл бола. Ойга чўзиб қўлини, Тилар ёруғ йўлини.

Жарангдор овози бор, Истиқлол парвози бор. Аҳмаджоним-жаҳоним, Арслоним, полвоним!

ЁМҒИР

Деразамдан аста қарасам, Шивирлаган овоз келарди. Бу нима деб пастга қарасам, Ёмғир шамол билан еларди.

Ер юзини қоплабди намлик, Ҳамма шошар соябон томон. Бу оламда кўрманг деб камлик, Кулиб боқар ҳаммага замон.

Момолардек пичирлаб аста, Юртимизга тинчлик сўрадим. Тўкин-сочин кунга пайваста, Хотиржамлик тилар юрагим...



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шуҳрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ҳотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи


Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида офсет
усулида 39092 нусхада
босилди. Ҳажми 2 босма
табоқ.
Буюртма - К-8355
Газетани
Муҳаббат МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Гулюз ВАЛИЕВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.

Тел: 144-62-34.

БОШҚОТИРМА

БЎЙИГА: 1. Шодиёна кун.
2. Ўн икки буржнинг бири. 3. Тропик мева. 4. Қимматбаҳо тош. 6. Қўшалок мева. 11. Атирли гул. 12. Бировга мурожаат қилиш, сўров. 13. Синган корхона. 14. Илдиз чиқариш амалининг белгиси. 15. Майда-чуйда билан савдо қилувчи киши. 16. Ҳарбий хизматчи. 20. Реклама мақсадида кўчага илиб қўйиладиган сурат. 22. Минг дардга даво ўсимлик. 24. Арманистондаги тоғ. 25. Тиниш белгиси. 26. Кигиздан қилинган от-улов абзали.



ЭНИГА: 5. Давлат рамзларидан бири. 7. Улкан, азим. 8. Муқаддас ой. 9. Мусиқа асбоби. 10. Отанинг укаси (жиянга нисбатан). 13. Қўзичоқ. 15. Пешона шўр бўлса, тишни синдирар. 17. Бадий асарларни ижро этувчи санъаткор. 18. Тоғ қуши. 19. Овозни кучайтириб берувчи карнай. 21. Олчага ўхшаш дарахт. 23. Истак, хоҳиш. 25. Қўшиқнинг такрорланиб турадиган банди. 27. Қиз бола, ёш қиз. 28. Фикр, эътибор. 29. Катта уй, бино.

Тузувчи: Шерзод ЗОЙИРОВ,
Тошкентдаги 229-мактаб ўқувчиси.

Ўтган сондаги «БОШҚОТИРМА»нинг жавоблари:

1. Арафа - байрам олди куни.
2. Арава-қадимий транспорт воситаси.
3. Атала - миллий таом.
4. Алача - қўлда тўқилган газлама.
5. Асака - автомобилсозлар шаҳри.
6. Адана - Туркия жанубидаги шаҳар.